ИС: 2007/1-2

Шарқ машъали

1-2/2007



Тошкент – 2007 йилда
Ислом маданияти пойтахти

№: 2007/1-2
Шарқ машъали

ШАРҚ МАШЪАЛИ

1992 йилдан чиқа бошлаган
№ 1-2 (32) 2007 йил *(махсус сон)*

Илмий-адабий, маънавий-маърифий журнал

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ НАШРИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг рўйхатидан қайта ўтган (№ 02-0055 16 январ 2007 й.)

Таъсисчи:
Ташкент Давлат шарқшунослик институти

Таҳрир ҳайъати:
Неъматуллоҳ ИБРОҲИМОВ
бош муҳаррир

М. КОМИЛОВ
бош муҳаррир муовини

А. ҲАБИБУЛЛАЕВ
масъул котиб

О.ШОМАТОВ
Ш.ШОМУҲАМЕДОВ
А.МАННОНОВ
Т.А.МУХТАРОВ
Р.У.ХЎЖАЕВА
М.ИСҲОҚОВ

Таҳририят:
А. Ҳабибуллаев (муҳаррир)
С. Юсупова (техник муҳаррир).
М. Зарифов, Д. Арифжанова – техник ходимлар.

Журнал оригинал-макет асосида босилди.
Шарқ машъали, 2007 йил 1-2-сон
Индекс 75460.

Босишга рухсат этилди 10.09.2007.
Бичими 84x108 $^{1}/_{16}$ Шартли 3,5 б.т.
500 нусхада босилди. Буюртма № Баҳоси келишилган нархда.
"Ворис" ХК кичик босмахонасида босилди.
Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25.

© Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2007
Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

МУНДАРИЖА

Тошкент – 2007-йилда
Ислом маданияти пойтахти

Муҳарриридан 3
Абдуллаев Р. Маънавий меросга эгалик қилишнинг муҳим омили 5

МАНБАЛАРДА ИСЛОМ ЗИЁСИ

Назаров Б. Ислом агиографияси ва унинг тасаввуф адабиётига таъсири 7
Уватов У. Муқаддас китоб жаҳон кезади 9
Исломов З. «Атвоқу-з-заҳаб» силсиласидаги асарларнинг таҳлили 12
Ғаниева С. Навоий ва ислом 15
Ҳабибуллаев А. Исломийлик – инсонийлик 18
Йўлдошева Ҳ. «Сияр ул-ақтоб» асарининг жанр хусусиятлари 21
Мирзиётов Ш. Маҳмуд Замахшарий «Муқаддамату-л-адаб» Ёзгат нусхасининг манбашунослик таҳлили 23
Муратов Д. Абдуллоҳ ас-Субазмунийнинг «Кашф ал-осор фи маноқиб Аби Ҳанифа» асари қўлёзмаси 25

ИСЛОМШУНОСЛИК

Муҳамедов Н. Шошлик муҳаддислар фаолиятидан 29
Комилов М. Ислом ҳуқуқи тараққиётида маҳаллий фиқҳ мактабларининг аҳамияти 33
Қориев О. Мовароуннаҳр фиқҳ илми ривожида Фарғона олимларининг ўрни 35
Раҳимжонов Д. Мовароуннаҳр маданий ҳаётида ҳадисларнинг ўрни 39
Зоҳидов Қ. Исломда теократик давлат тушунчаси: тарихий ҳақиқат ва замонавий талқин 42
Икромжонов А. Буюк ватандошимиз Фахр ад-дин Қодихон ал-Ўзгандий ва унинг илмий мероси 44
Қамбаров А. 'Алоуддин ал-Косоний илмий услубининг мумтоз ҳанафий фиқҳида тутган ўрни 45

SUMMARY 48

TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK INSTITUTI KUTUBXONASI
№

тарафидан Ибн Исҳоқнинг (704-767) Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги асарини таҳрир қилиши жараёнида ишлатилган, яъни «бу китоб Аллоҳнинг расулининг баёнидир» деб қайд қилинган[1].

Араб тилидаги Муҳаммад алайҳиссалом «сира»лари XIII асрга келиб тўла шаклланган. Шуни ҳам айтиш керакки, муаллифлар Пайғамбар ҳадисларидан унумли фойдаланганлар. Зотан, ҳадисларнинг кўп қисми («ахбор») кичик-кичик ҳикоятлар шаклида эканлигини ҳам эслатиб ўтмоқ керак. Баъзи маълумотларда,

Расулуллоҳнинг ҳаёти ҳақидаги ҳикояларни номлаш учун «сира» сўзининг кўплик шакли «Сияр» ишлатилган (аксарият ҳолларда «мағози» сўзи билан биргаликда).

Сиралар композицион қурилиши жиҳатидан мураккаб жанрдир. Негаки, сираларда келтирилган воқеа-ҳодисалар хронологик жиҳатдан кетма-кетликни сақламайдилар ва улардаги воқеалар ривожи босқичма-босқич ёритилмайди. Сиралар афсоналар, ривоятлар, шеърлар, қаҳрамонлик эпослари, ва ниҳоят, тарихий воқеа-ҳодисаларни ўзида жам этади. Сираларда турли жанр элементларининг бир жойда жамланиб яхлитликни ҳосил этишини кимёвий ҳодисага ўхшатиш мумкин. Негаки, ҳам афсоналарнинг, ҳам эртак ва қаҳрамонлик эпосларининг, ҳам тирихий воқеаларнинг жам бўлиб, яхлит бир асар таркибини ташкил этиши фақатгина сираларга хос хусусиятлардан биридир.

Ҳидоя Абдураҳим ибн Чиштий Усмонийнинг «Сияр ул-ақтоб» асари «Сияр ул-авлиё», Атторнинг «Тазкират ул-авлиё», Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс», Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» каби агиография жанрига мансуб асарларига таянган ҳолда яратилган бўлиб, унда чиштия тариқати ва унинг қутблари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинган. Мазкур асар агиографик асарларнинг сияр турига мансуб бўлса-да, тазкира жанрига яқинроқ услубда ёзилгандир. Унда чиштия тариқатидаги 33 та қутбнинг манақиблари ёритилган. Асар Ҳамд қисмидан кейин Али ибн Абу Толиб (р.а.) нинг манақиблари билан бошланиб, кейин ҳар бир қутбга алоҳида боб ажратилган ҳолда уларнинг манақиблари келтирилади ва шундан сўнг сўз юритилаётган шахс ҳақидаги ривоят, нақллар, зикрлар баён этилади. Ора-орада қутбларнинг сўзлари, фикрлари ҳам асарда ўз аксини топган.

Одатда тазкираларда бирон-бир шахснинг манақиби ёзилар экан, унинг тўлиқ исми, кунияти, табиатидаги характерли хусусияти, қай даражада шуҳрат топганлиги, бир икки байт шеър, ва ниҳоят, умрининг охири (вафоти ва дафн қилинган жойи) баён қилинади. Юқорида зикр этиб ўтилган тазкиралардагидек «Сияр ул-ақтоб» асрида ҳам ушбу хусусиятлар мужассамдир. Аммо чиштия тариқати шайхлари ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўз юритилаётган мазкур асар қуйидаги жиҳатлари билан бошқа «тазкират ул-авлиё»лардан фарқланади:

1. Чиштия тариқати силсиласининг боши бўлмиш Али ибн Абу Толиб ва унинг халифаси Ҳасан Басрий, сўнгра Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида биринчи табақа сўфийлари деб номлаган Фузайл Иёз, Иброҳим Адҳам ва уларнинг халифалари бирин-кетин хронология асосида давом этади.

2. Ҳар бир қутбнинг тўлиқ исми, кунияси, қайси сабабларга кўра шу номга сазовор бўлганлиги, туғилган жойи, илм олган шаҳри, таҳсил кўрган пирлари баён қилинади.

3. Тариқатга киришидан олдинги ҳаёти ва тариқат йўлини ихтиёр қилишида сабаб бўлган омиллар, феъл-атворининг ўзига хос хусусиятлари, таъбининг ҳолати, суҳбатининг хушлиги, тариқатдаги хизмати ва мавқейи, кашфу кароматлари, ҳаворик-одатлари зикр қилинади.

4. Кўпинча, муаллиф қутбларнинг ахлоқий қиёфаларини ва тариқатдаги мавқеларини ифода этувчи мисралар, шеърий парчалар ва байтлар келтириб, ўз фикрини тўғри эканини кўрсатишга интилади.

5. Қутблар тилидан тасаввуф истилоҳларининг шарҳлари, ҳикматли сўзлар, муридларига панд-насиҳатлар, ўзидан кейин қолдирган халифаларининг номлари айтиб ўтилади.

[1] Ислам. Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. –Б.58.

6. Муаллиф баъзи бир қутблар ҳақида жуда сиқиқ маълумот беради. Бу маълумотлар ихчам бўлишидан қатъи назар уларнинг ахлоқий қиёфаси, тариқатдаги ўрни, ватанини аниқлашда муҳим рол ўйнайди.

7. Ҳар бир қутбнинг манақиби унинг вафоти тарихи, дафн қилинган ери ва санаси ёритилган нақллар билан ниҳояланади.

Демак, агиографик жанрга мансуб бўлган дастлабки тазкираларда ўнлаб, юзлаб шайху сўфийларнинг ҳаёти, фаолияти ҳақида маълумотлар жамланар экан, «Сияр ул-ақтоб» асарида ҳам мазкур хусусиятлар кузатилганлиги сабабли ушбу асар ҳам шу йўналишда ёзилган деган хулоса чиқариш мумкин. Асарда келтирилган маълумотлар Ҳиндистон машойихларининг манақибларини ўрганишда, хусусан, чиштия тариқатининг мазмун моҳиятини ёритишда, комил инсонлар – қутбларнинг феълатвори ҳақида тасаввур ҳосил қилишда муҳим манба саналади.

Маҳмуд Замахшарий «Муқаддамату-л-адаб» ёзгат нусхасининг манбашунослик таҳлили

Шуҳрат МИРЗИЁТОВ,
ТошДШИ тадқиқотчиси

Маҳмуд Замахшарий илмий меросида алоҳида ўрин тутган асарларидан бири унинг «Муқаддамату-л-адаб» – «Сўз илмига кириш», «Адаб илмига кириш» асари ҳисобланади. Асарнинг соддалиги, истифода этишнинг қулайлиги унинг кўплаб қўлёзмалар шаклида кўчирилишига сабаб бўлган.

Маълумки, асар 1130 йиллар чамасида яратилган. Бу вақтга келиб Маҳмуд Замахшарийнинг тилга иқтидори, улкан грамматик салоҳияти кенг шуҳрат топган ва филология соҳасига тенгсиз дурдона бўлиб қўшилган нодир «Муфассал фи санъати-л-иъроб» асарини ёзиб тугатган эди. Араб тили грамматикаси бўйича мукаммал манбага маҳаллий халқлар тилларидаги луғат зарур эди. Буни эса Замахшарий Хоразмшоҳ Алоуддавла Абулмузаффар Отсизнинг илтимоси билан амалга оширади. Қатор тилларни мукаммал билган олим асарнинг арабча-форсча-туркий тиллардаги сўзлик киритилган нусхасини яратади. Тадқиқотларда «Муқаддамату-л-адаб»нинг икки, уч, тўрт тилли қўлёзмалари ҳақида маълумот берилади.

Асарнинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, унда фақатгина сўзлик қатламигина эмас, балки грамматик қоидалар ҳам берилади.

Ҳозирга қадар «Муқаддамату-л-адаб»нинг турли мамлакатларда сақланаётган етмишга яқин қадимий нодир қўлёзмалари етиб келган. Мустақиллик йилларида Замахшарий илмий мероси, хусусан унинг «дунё хазинасига тенг асари» «Муқаддамату-л-адаб»нинг қўлёзма нусхаларини аниқлаш, тадқиқ этиш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

«Муқаддамату-л-адаб»нинг 655 ҳижрий йил учинчи жумаду-л-аввал, 1257 йил 27 майда Хоразмда кўчирилган энг қадимий Ёзгат нусхаси мустақиллик сабабли юртимизга кириб келди. Арабий-форсий-туркий сўзликдан иборат бу қўлёзма Иброҳим бин Маҳмуд Сўфи ал-Муаззин томонидан кўчирилган. Ўзбекистон илмий маънавий меросига мансуб ушбу нусха тарихан Туркиянинг Ёзгат шаҳридаги Маориф кутубхонасида рўйхатга олинган. Кейинчалик у Стамбулдаги энг қадимий кутубхоналардан бири сулаймония фондига кўчирилган. Қўлёзманинг ҳажми 347 варақни ташкил этади. Унга асарнинг барча беш қисми киритилган. Демак, нусха асарнинг тўлиқ қўлёзмаларидан ҳисобланади. Қўлёзма муқаддима билан бошланган, сўнг исмлар (2б-62а), феъллар (63а-322б), ҳарфлар, исмларнинг турланиши, феълларнинг тусланиши қисмлари (323а-347а) берилган. Асар қисмларининг таркибий таҳлили

ўзига хос бўлиб, у бошқа луғатлардан фарқ қилади[1].

Муаллиф ўз даври XII аср илмий, маърифий ҳаётидаги фан соҳаларининг барчасига оид истилоҳларни қамраб олишга ҳаракат қилган. Уларни давр талабига кўра, зарурий арабий-форсий-туркий тиллардаги шакллар билан таъминлаган.

Ёзгат нусхасининг арабий матни йирик насх хатида ҳаракатлар билан ёзилган. Форсий ҳамда туркий сўзлар эса аслининг остига майда насх хатида битилган. Ҳар бир саҳифага етти қатордан матн жойлаштирилган. Асарнинг асосий матнидан тушиб қолган сўзлар қўлёзма ҳошиясига майда насх хати билан киритилган.

Асарнинг исмлар қисми «Маъданлар ва уларга оид сўзлар» фаслининг وشاح – в и ш а х – قرين باغى – қ а р ы н б а ғ ы сўзи билан бошланган. Фаслнинг унгача бўлган қисми тушиб қолган.

Араб тилидаги сўзларнинг жойлашиш тартиби асарнинг бошқа қўлёзмаларига ўхшаш[2]. Исмлар қисмидаги сўзлар ўзига хос ички тартибда жойлаштирилган. Унга йўл, сув, ўсимлик, гуллар, полиз маҳсулотлари, деҳқончилик, боғдорчилик, диний истилоҳлар, инсон физиологиясига оид сўзлар каби фасллар киритилган. Дастлаб сўзнинг бирлик шакли сўнгра кўплик шакллари, айрим ҳолларда уларнинг бир қатор кўринишлари берилган.

Феъллар қисмига эса араб адабий тилидаги феъл категориясига мансуб бўлган барча ҳолатларга доир мисоллар киритилган. Жумладан, арабий феълларнинг барча боб кўринишлари, уларда учрайдиган мавжуд ички ўзгаришли ҳолатлар батафсил ёритилган. Феъллар қўлёзма қисмлари ичида ҳажман энг каттаси ҳисобланади.

Нусхадаги учинчи қисм ҳарфлар, яъни ёрдамчи сўз туркумларига бағишланган. Унда соф араб тили грамматикаси қоидалари, боғловчи, юклама, кўмакчи каби сўз туркумлари ҳақида маълумот ва мисоллар берилган.

Тўртинчи қисм исмларнинг турланиши ва бешинчи қисм феълларнинг тусланишига бағишланган. Мазкур қисмлар грамматик қоидаларнинг соддалиги ҳамда мисолларнинг кўплиги билан ажралиб турган. Улар кейинчалик халқ орасида шуҳрат топган ва мадрасаларда араб тили грамматикасини ўқитиш бўйича асосий қўлланмалардан бирига айланган.

Қўлёзманинг эътиборли жиҳати, ундаги туркий сўзлик бўлиб, у «Муқаддамату-л-адаб»нинг дунёдаги мавжуд қўлёзмалари таркибидаги туркий сўзликлар ичида ёзув хусусияти, сўзларнинг маънолари бўйича энг қадимийси ҳисобланади. Бу хусусиятни асар Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи фондидаги 202 рақамли қўлёзма билан қиёслаганда яққол кўзга ташланади.

Жумладан, қўлёзмадаги «сув ва унга тегишли сўзлар» фаслида سقا –с а қ қ а : - سوجى – сувчы «сувчи, сув ташувчи» сўзлари 2 қўлёзмада – *سفجى - с у в ч ы шаклида берилган. Сўзнинг бу шакли XII-XIII аср қўлёзма манбаларида учрайди. Шунингдек, шу фаслдаги سقا –с и қ а : у – تولوم – т ў л у м «меш» мазмунидаги сўз ياليق - й а н л ы қ мазмунида берилган. Бу ҳам сўзнинг Ёзгат қўлёзмасидаги шаклининг қадимийлигини кўрсатади.

Ушбу асарга киритилган диний-исломий мазмундаги сўзлар алоҳида аҳамиятга молик. Жумладан, асарнинг исмлар қисмида *диний байрамларнинг аталиши, қиёмат куни номлари, дунё, жаҳон, масжид, мадраса* мазмунини англатувчи сўзлар изоҳланади. Айниқса, бу қисмнинг ўнинчи бобига *Аллоҳ, фаришталар, иррға оид тушунчалар, шайтон, жин номлари* каби 200 га яқин сўзлар

[1] *Қаранг*: З.Исломов. Муқаддамату-л-адаб (манбашунослик таҳлили). – Тошкент, 2002. –Б.5–46.

[2] Ўша ерда,. –Б.8–46.

* Қўлёзмада ушбу сўздаги «в» товушини ифодалаш учун ف ҳарфининг уч нуқтали кўриниши ڤ қўлланилган.

изоҳланади. Ўн учинчи бобда *дин, миллат, закот,суннат, савоб, хайр, гуноҳ* каби сўзлар киритилган; шу ерда *Қуръон, сура, оят, масал, ҳадис* каби исломий сўзлар изоҳи алоҳида фаслга жамланган. Исломий сўзларни алоҳида олиб уларни қайси маънода қўлланиб келганини кузатиш бу тушунчаларнинг тарихийлигини, қачондан қўлланила бошлаганини аниқлашга, маъно жилолари ҳақида ҳукм чиқаришга имкон беради.

Шу билан бирга, «Муқаддамату-л-адаб»нинг Ёзгат нусхаси китобат даврига кўра қадимийлиги, туркий сўзликнинг ўзига хослиги, ундаги ёзув хусусиятларининг оригиналлиги билан ажралиб туради. Ушбу қўлёзмани манбашунослик, матншунослик ва лексикологик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш филология фанини янги маълумотлар билан бойитишга хизмат қилади.

Абдуллоҳ ас-Субазмунийнинг «Кашф ал-осор фи маноқиб Аби Ҳанифа» асари қўлёзмаси

Дониёр МУРАТОВ,
Тошкент Ислом университети ўқитувчиси

Бухоро шаҳридан жуда кўплаб таниқли олимлар чиққан бўлиб, уларнинг ҳаёти, фаолияти ва илмий меросини ўрганиш долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. Зеро Бухоро ўзининг мактабу мадрасалари, машҳур олимлари билан дунёга танилган. Бухоро олимлари бир соҳада эмас, балки илмнинг турли йўналишларида фаолият юритганлар ва ютуқларга эришганлар. Айниқса, ҳадисшунослик соҳасида Имом ал-Бухорийдек забардаст олимнинг номини эслатиб ўтиш кифоя. Мана шундай муҳаддис олимлардан яна бири Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ас-Субазмуний ал-Бухорийдир (872–952). У Бухородан ярим фарсах (1,5 км) узоқликдаги қишлоқда таваллуд топган ва аввал ўз она юртида, кейин Ҳижоз, Ироқ ва Хуросон шаҳарларида илмини оширган.

Субазмунийнинг бизга қолдирган ижодий мероси ҳадисшуносликка оид «Кашф ал-осор фи маноқиб Аби Ҳанифа» («Абу Ҳанифа меросининг намоён бўлиши») асаридир. Бу асарнинг қадимий қўлёзмаси ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида №3105 рақами остида сақланаётган энг қадимги қўлёзмаларидан бири ҳисобланади ва у ҳозиргача ягона нусха бўлиб қолмоқда.

Бу асар улуғ шайх ал-Музаффар Фахр ад-дин ибн Мухбир ад-дин томонидан имло қилиб (айтиб) турилганда, бир йил давомида ожиз банда Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад томонидан, 649/1252 йили, рамазоннинг 4-пайшанба куни, мусанниф Абдуллоҳ ас-Субазмунийнинг қабри бошида ёзиб тугатилди, дейди асарнинг сўнгги саҳифасида котиб[1]. Асар ҳанафия оламининг барча минтақаларида машҳур бўлганини «асарни айтиб турганида ундан тўрт юз котиб ёзиб олган»[2], дейилганлигидан ҳам билиб олишимиз мумкин. Бу асарнинг, шунингдек, Дамашқдаги «Дор ал-ҳадис ал-ашрафиййа»да[3] ҳам нусхалари борлиги ҳақида маълумотлар бўлиб, лекин биз у ҳақда аниқ ахборот топа олмадик.

Демак, бу китоб имло қилинганда ёзиб олингани учун у амолий китоблар турига киради. Амолий китоб имло қилиш асосида яратилади, яъни устоз ўзида бор илм билан

[1] Абдуллоҳ ас-Субазмуний. Кашф ал-осор фи маноқиб Аби Ҳанифа. ЎзР ФА Шарқшунослик институти, №3105, 334 а-бет (кейинги иқтибосларда – «Кашф»).

[2] Хайр ад-Дин аз-Зириклий. Аълом. 4-том, 120-бет.

[3] Аширбек Муминов. Роль и место ханафитских улама в жизни городов центрального Мавараннахра (II-VII/VIII-XIIIвв.). Докторлик диссертацияси. – Т., 2003. –С.46.